

## МАМЛАКАТ ТЕМИР ЙҮЛ ТРАНСПОРТИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рахимов Хасан Шукуржонович

и.ф.ф.д., (Phd)

University of Business and Science, "Менежмент" кафедраси в.б. доценти

[hasanboyrahimov1990@gmail.com](mailto:hasanboyrahimov1990@gmail.com)

+99897 440 77 44

**Аннотация:** Мазкур мақолада мамлакат темир йүл транспорт инфратузилмасини ривожлантиришининг таўкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириши асослари тадқиқ этилган.

**Калим сўзлар:** транспорт тизими, темир йүл транспорти инфратузилмаси, темир йүл транспорти обьекти, венчурли молиялаштириши, бошқарув субъектлари, инфратузилма элеменитлари, логистика, темир йүл транспорт тизими.

**Кириш.** Жаҳонда транспорт ва транспорт инфратузилмасини самарали ривожлантириш, тизим самарадорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада транспорт инфратузилмасини тизимли ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, транспорт инфратузилмасини самарали ривожлантириш, транспорт хизматлари бозорида кучайиб бораётган рақобат шароитида транспорт инфратузилмаларини мувофиқлаштирган ҳолда самарали ташкил қилиш, истеъмолчилар талабини вақт ва сифат нуқтаи назаридан тўлароқ қондириш бўйича тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида транспорт коммуникацияларини замонавий талаблар асосида жадал ривожлантиришга эътибор қаратилиб, кенг қамровли ва мақсадли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "Инфратузилмани яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан бизда транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллион тоннадан 16 миллион тоннага етказиш зарур"<sup>89</sup>. Бу ўз навбатида транспорт инфратузилмаси обьектларида хавфсизлик ва табиатни муҳофаза қилиш, миллий транспорт инфратузилмаси самарадорлигини чегаравий қиймати ҳамда инфратузилмани ривожлантиришда риск таъсир даражасини эътиборга олган ҳолда баҳолаш тизимини ташкиллаштириш каби йўналишларда илмий изланишларни кенг кўламда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Темир йўл транспорти инфратузилмаси ижтимоий-иқтисодий тизимининг мувозанат ҳолатда бўлиши ва рақобатбардошлилигини таъминлаш доирасида макон нуқтаи назардан ривожланишини таъминловчи яхлит ижтимоий-иқтисодий ва технологик қўйи тизим сифатида қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

иктисодий механизмини такомиллаштириш учун комплекс ёндашувдан фойдаланиш зарур бўлиб, бугунги кунда йўлга қўйилган механизмини тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий усуллари, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг инвестицион механизми, ташқи иктисодий фаолиятни рағбатлантириш механизми, солиқ сиёсатини самарали олиб бориш, божхонани тартибга солиш, транспорт инфратузилмаси учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тамойиллари асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мамлакат инфратузилмаси мажмuinинг бир қисми сифатида транспорт инфратузилмаси маълум омиллар, шарт-шароитлар ҳамда ҳудуд хусусиятларига боғлиқ бўлган муайян вазифалар ва функцияларни бажариб боради. А.Б.Максимовнинг бу борада билдирган фикрини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. У ўзининг ишида транспорт инфратузилмасининг қўйидаги асосий функцияларини кўрсатиб беради<sup>90</sup>:

- мамлакат иктисодиётини транспорт йўллари билан таъминлаш;
- иктисодиёт субъектларининг транспорт объектларига бўлган эҳтиёжини қондириш;
- мамлакат транспорт тармогини шакллантириш;
- мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини юксалтириш.

Ўз навбатида И.А.Семина ва В.А.Кустов транспорт инфратузил-масининг ҳудудий тизимлардаги қўйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатадилар. Биринчидан, транспорт – бу ҳудудий хусусиятлар индикатори ва мамлакат ижтимоий-иктисодий сифатининг асосий таркибий қисми. Иккинчидан, транспорт алоқалар тақсимловчи ва мувофиқлаштирувчи ҳисобланади, натижада, операцион макон чекловчи, бошқача айтганда, “ҳудудларни туташтирувчи”, яъни “транспорт хабни ҳосил қилувчи” каби вазифаларни келтириб ўтган<sup>91</sup>.

Ю.Н.Гольская ўз тадқиқотида транспорт инфратузилмасининг қўйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатади: унинг элементлари ягона тизим сифатида фаолият кўрсатади; транспорт инфратузилмаси минтақавий тизимнинг бошқа таркибий қисмлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Демак, транспорт инфратузилмаси ҳудуд билан қатъий тарзда боғланмаганлиги боис, харакатланувчи таркиб унинг элементи ҳисобланмайди.

А.Б.Тумхўжаев<sup>92</sup> фикрига кўра, транспорт инфратузилмаси “... бозор ёки бозор иктисодиётининг бутун инфратузилмаси таркибий элементи бўлиб,

<sup>90</sup> Максимов, А. Б. Транспортная инфраструктура регионов. / А. Б. Максимов // Известия ИГЭА. - 2007. - №1. - С. 30-33.

<sup>91</sup> Семина, И.А., Кустов, М.В. Транспорт в территориальной социально-экологической системе. / И.А. Семина, М.В. Кустов // Актуальные проблемы географии и геоэкологии. - 2009. - № 2. - С. 13-20

<sup>92</sup> Тумхаджиев, А. Б. Формирование и развитие региональной транспортной инфраструктуры (на материалах Чеченской Республики) // автореф... канд. экон. наук: 08.00.05 / А. Б. Тумхаджиев - Грозный – 2012

нафақат ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳанинг фаолият юритиши, балки барча турдаги бозорлар ишлашининг ҳам иложи йўқ, бунда мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши умуман олганда, тўғридан-тўғри транспорт инфратузилмаси объектлари ва элементлари тараққий этганлик даражаси билан боғлиқ...". Шунингдек А.Б.Тумхўжаев<sup>93</sup> қайд этишича, "мамлакат иқтисодиётининг самарали ишлаши нафақат моддий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришга оид бўлмаган соҳаларнинг базавий тармоқлари, балки кўп жиҳатдан эҳтиёжларнинг транспорт, алоқа тармоқлари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ қондирилишига боғлиқ".


Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, транспорт инфратузилмасининг яна бир асосий хусусиятини келтириш мақсадга мувофиқ. Икки томонлама бу – бир тарафдан самарали фаолият кўрсатаётган транспорт инфратузилмасиз моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириб бўлмаслигида, ҳамда муайян худуд ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларининг транспорт инфратузилмасига боғлиқлигида, бошқача айтганда, ушбу объектларнинг яратилиши ва ривожланиши уларга киритилган капиталдан фойда келтирмайди, бироқ билвосита тарзда хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасини оширади ва мамлакатнинг ялпи маҳсулоти қийматига таъсир кўрсатишида намоён бўлади. Шу сабабли транспорт инфратузилмасига киритилган капитал маблағлар қиймати кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳаларининг ривожланиш суръатларига боғлиқ бўлади.

**Таҳлил натижалари.** Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизими таркибидаги транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми қўйидаги схема кўринишда тасвиранган (1-расм).

Темир йўл транспорти инфратузилмасининг таркиби, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимининг умумий инфратузилмаси таркибида тизим ҳосил қилувчи вазифасини ҳисобга олган ҳолда қўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Демак, Темир йўл транспорти инфратузилмасининг марказий элементи сифатида интермодал ташувларда ва шунингдек тизим ҳосил қилувчи функцияларни бажарувчи автомобиль йўл-хўжалигига тааллуқли бўлган транспорт инфратузилмасининг институционал таркибини муаллифлик талқинида келтирамиз:

- тақдим қилинган йўл-хўжалиги (турли кўринишдаги йўллар, йўловчи йўлкалари, объектлар ва уларни куриш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш воситалари);
- автомобиль транспорти (йўловчи);
- маҳсус мақсадларга мўлжалланган автомобиль транспорти;
- ижтимоий-иқтисодий тизим эҳтиёжлари учун юк ташишга мўлжалланган автомобиль транспорти;

<sup>93</sup> Тумхаджиев, А.Б. Проблемы функционирования региональной транспортной инфраструктуры в современных условиях. / А.Б. Тумхаджиев // Terraekonomicus. - Том 10 № 1 Часть 2. - 2012.



**1-расм. Мамлакат транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизми<sup>94</sup>.**

- тўхтовсиз ва оптимал транспорт ҳаракатини таъминлаш воситалари ва обьектлари қуий тизими;
  - тўхтовсиз ва оптимал ҳаракатланишни таъминлаш воситалари ва обьектлари қуий тизими;
  - йўл бўйи сервис хизмати қуий тизими.
- Темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-

<sup>94</sup> Манба: Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

иқтисодий механизми қўйидаги тамойилларга мос келиши мақсадга мувофиқ:

- транспорт инфратузилмасининг фаолият юритишини ва ривожланишини ташкил қилиш соҳасидаги жаҳон тажрибасини, шу жумладан транспорт инфратузилмаси фаолиятини тартибга солувчи мөъёрий-хужжатларни ҳисобга олиш.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимининг умумий инфратузилмаси таркибидаги транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми шунингдек, транспорт инфратузилмаси фаолиятидаги барча турдаги рискларни камайтириш ҳамда йўл-транспорт хўжалигининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш қўйидаги ўзаро бир-бири билан боғланган ташкилий-иқтисодий функциялар: мақсадларни қўйиш, таҳлил қилиш, башорат қилиш, режалаштириш (стратегик ва оператив), ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, мотивациялаш, ўқитиш, ҳисоб ва назорат қилиш, коммуникация ва бошқарув қарорларини қабул қилиш каби функцияларни амалга оширишни ифодалайди.

Ушбу транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий функциялар мазмун-моҳияти 1-жадвалда келтирилган. Мамлакат транспорт инфратузилмасини самарали ривожлантиришда тизимли ёндашувдан фойдаланиш бошқарув обьектини мураккаб тизим сифатида тасаввур қилиш мақсадга мувофиқ.

### 1-жадвал.

#### **Мамлакат транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий функциялари мазмун-моҳияти<sup>95</sup>**

Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий функциялари	Функцияларнинг мазмуни
Мақсадларни қўйиш	Бош мақсад, устуворликлар, мақсадли функцияларни ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиши
Ахборот ва муаммоларни таҳлил қилиш	Таҳлил қилиш концепциясини шакллантириш, унинг асосида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш даражалари ва муаммолари ҳақида керакли ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш, шунингдек транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларига эришишнинг миқдорий ва сифат мезонларини ишлаб чиқиши амалга оширилади
Башорат қилиш ва режалаштириш	Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли истиқбол учун транспорт инфратузилмасини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича стратегик хужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланадиган ҳамда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг эҳтимолий сценарийларини ишлаб чиқиши
Ташкиллаштириш	Барча транспорт инфратузилмасини бошқариш субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш (шу жумладан,

<sup>95</sup> Манба: Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

	юритиш ашёлари ва ваколатларни чегаралаш), транспорт инфратузилмасини бошқаришни моддий-техник таъминлаш жараёнларини ташкил қилиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда ахборотлаштиришни таъминлаш.
Мувофиқлаштириш	Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш режалари ва жараёнларини амалга оширишда барча бошқарув ва хўжалик фаолияти субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек улар орасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш. Давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш.
Мотивациялаш	Транспорт инфратузилмаси корхоналари ва ташкилотлари ходимлар фаолиятининг унумдорлигини ошириш, турли мижозлар гурухларини ифодаловчи истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш мотивациясини шакллантириш, мотивацион инфратузилма таркибида ходимлар мотивациясини рағбатлантирувчи усусларнинг бутун мажмуасидан фойдаланишни таъминлаш.
Ўқитиш	Транспорт инфратузилмаси субъектларининг эҳтиёжига кўра ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкиллаштириш. Ушбу соҳада ҳар хил турдаги таълим тузилмалари (давлат, муниципал, хусусий ва корпоратив) фаолият кўрсатишни таъминлаш. Ушбу тизим фаолиятининг маҳсулси сифатида ахборот тармоқлари ва инновацион иқтисодиёт шароитларида самарали ишлаш қобилиятига эга кадрлар шаклланиши зарур.
Ҳисоб ва назорат қилиш	Ҳисоб ва назорат қилишга асосланган мезонлар ва самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларини ҳамда ушбу фаолиятни олиб бориш бўйича тартибга солинган тартиботларни ўз ичига оловучи концепциясига асосланиши лозим. Ҳокимият очиқлиги ("шаффофлиги") тамоилини амалга ошириш шароитларида жамоатчилик назорати алоҳида аҳамиятга эга.
Коммуникациялар	Бошқарув субъекти ва обьекти ўртасидаги коммуникациялар бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш асосини ташкил қиласди. Самарали коммуникация режимини таъминлаш транспорт хизматлари бозорида фаолият юритувчи шериклар ўртасида ахборот алмасиш ва уларнинг вазифалари ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун ахборот каналларини ташкил қилиш ва ривожлантиришни назарда тутади. Ушбу функцияни бажариш доирасида мос равишда ҳамкорлик ва шериклик қуий тизими шакллантирилади.
Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш	Ушбу функцияни бажаришнинг биринчи босқичи мавжуд муқобил варианtlар орасидан, кўпинча таваккалчилик ва ноаниқлик шароитларида транспорт инфратузилмасини бошқаришнинг раҳбар субъектлари томонидан амалга ошириладиган танлов ҳисобланади. Шаҳар агломерацияси таркибида транспорт инфратузилмасини ривожлантиришни бошқаришнинг пировард мақсади томон ҳаракатланишни таъминлаш.

Транспорт инфратузилмасининг асосий фаолият юритиш ва ривожланиш (шахар агломерацияси ривожланиши билан боғланган) жараёнларини ташкил этиш ва тартибга солиш бошқарув обьектининг тескари алоқасини қўллаб-

куватлаш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Мос равища, транспорт инфратузилмаси томонидан тақдим қилинаётган хизматлар истеъмолчиларининг эҳтиёжларини ва манфаатларини ҳисобга олиш таъминланган бўлиши лозим.

Мураккаб тизим сифатидаги транспорт инфратузилмасининг асосий компонентлари жумласига, мос равища: бошқарувнинг жамланма субъекти (транспорт инфратузилмасининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиши учун жавоб берувчи ижро этиш ҳокимиятининг ваколатли тузилмалари ва уларга қарашли ташкилотлар) ва бошқарув обьекти (транспорт инфратузилмасининг ўзи, транспорт инфратузилмаси томонидан тақдим этаётган хизматларнинг корпоратив ва якка тартибдаги истеъмолчилари).

Бу каби тизимнинг асосий элементларига бошқарув субъектлари, бошқарув обьекти, бошқарув механизми (бошқарувчи таъсир), тескари алоқа ва ресурс таъминоти (моддий-техника, молиявий, ходимлар, ахборот ва бошқалар) киради. Уларни батафсил кўриб чиқамиз.

1. **Бошқарув субъектлари**, яъни транспорт инфратузилмасини бошқариш субъектлари, улар ўртасида тақсимланган ва тартибга солинган ваколатларга эга жамланмаси:

- бошқарувнинг маъмурий даражасини ташкил этувчи минтақавий ва маҳаллий ижро этиш органлари;
- ахоли ва юридик шахсларга транспорт ва ҳамроҳ хизматларни кўрсатувчи муассасалар, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар ва ташкилотлар;
- минтақа ёки шаҳарнинг бизнес-ҳамжамияти;
- транспорт инфратузилмасининг фаолият юритиш ва ривожланиш муаммоларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган ҳар хил турдаги ноҳукумат ташкилотлари;
- бошқарилувчи қуий тизим.

2. Транспорт инфратузилмасини бошқариш обьекти, муаллифнинг фикрича у қуийдаги икки қуий тизимни бирлаштиради:

- минтақа ахолиси, яъни унинг ривожланиш ҳолати, суръатлари ва ўзаро нисбатлари, ахолининг ҳаракатчанлиги. Транспорт инфратузилмасини ушбу қуий тизим бўйича бошқариш транспорт ва маконга оид ҳаракатчанликни рағбатлантириш ва таъминлашга, сифатли транспорт ва унга ҳамроҳ хизматларни тақдим этишга йўналтирилган бўлиши лозим.

– ҳукуматга қарашли транспорт корхоналари ва ташкилотлари соҳаси.

3. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми, у тор маънода транспорт инфратузилмасини бошқариш воситалари (дастаклари) ва усуллари йиғиндисини англатади, механизм кенг маънода, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун маълум функцияларни интеграциялаш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш; транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий йўналишлари ва мақсадларининг тузилишини белгилаш; транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг тадбир режасини ишлаб чиқиш; транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга оид ва моддий-техника базасини ташкил

қилиш ва бошқа мақсадларда транспорт инфратузилмасини бошқариш тартиби, усуллари ва қоидаларини аниқловчи, ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этувчи ташкилий омиллар ва унсурларнинг йифиндисини ифодалайди.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш бошқарув усуллари орқали амалга оширилиб, бу усулларга қуйидагилар киради:

- бевосита раҳбар кўрсатмаларга асосланган маъмурий усуллар;
- иктисодий рағбатлантирувчи омилларга асосланган иктисодий усуллар;
- тизим субъектларининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида қўлланадиган ижтимоий-психологик усуллар.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий усулларини танлаш бошқарув кўлами, мақсад ва вазифалар, ташқи ва ички омилларга ҳамда у ёки бу бошқарув воситалари (**дастаклари**)нинг ҳақиқатда мавжудлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизми доирасида бошқарув субъектлари бир хил воситаларни қўллагани ҳолда бошқарувчи таъсирни турли усуллар ёрдамида амалга оширади.

4. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ресурс таъминоти, яъни транспорт инфратузилмаси фаолиятини амалга ошириш имконини берувчи турли хил ресурслар мажмуюи. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш минтаقا салоҳиятини ошириш ва ундан оқилона фойдаланишга, шунингдек ахоли учун ўз эҳтиёжларини ривожлантириш ва қондириш мақсадида ўз кўнікмалари ва қобилияtlарини амалга оширишнинг иктисодий имкониятини яратишга ва мамлакат иктисодиётини юқори суръатларда ўсиш шартшароитларни яратишга қаратилган бўлиши лозим. Масалан, транспорт инфратузилмаси фаолиятини ривожлантиришда ахборот таъминотини тартибга солишга эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Турли манбалардан олинган маълумотларга кўра, бошқарув фаолиятининг барча шаклларида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва назорат қилиш учун ҳақиқатда фойдаланилдиган амалий фойдали ахборот ҳажми умумий хужжатлаштирилган ахборот ҳажмининг 50 фоизидан анча кам ҳисобланади. Янги дастурий воситалар ва ахборот технологияларидан кенг ва комплекс фойдаланиш бошқарув самарадорлигини оширишга олиб келмайди, шу билан бирга салбий натижага олиб келиши мумкин, агар бошланғич ахборот базаси концептуал даражада олдиндан тартибга солинмаган бўлса.

Мазкур фаолиятни амалга оширишнинг асосини ташкил қилувчи бош тамойил: "Ахборот, унинг барча реквизитлари, шакли, мазмуни ва бошқа тавсифномалари ҳамда унсурлари жиҳатдан бошқарув фаолиятининг фойдалилик, тезкорлик, ишончлилик ва тежамкорлик параметрлари бўйича пировард натижаларига йўналтирилган бўлиши лозим". Ушбу тамойилга бошқарув фаолиятининг барча шаклларида, ечимларни жамоавий ва якка тартибда ишлаб чиқиш шаклларида, маъмурий-хуқуқий хужжатларнинг мазмунида, бошқарувни тартибга солишда, режалар, дастурлар, шартномалар ҳамда фармойишларда риоя этилиши лозим.

Юқоридаги муроҳазаларга асосланиб, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг бошланғич унсури ушбу мажмуанинг мақсадли базасини (бош мақсад ва мақсадли функцияларини) аниқлашдан иборат. Ушбу вазифани ҳал қилишда, амалиётда кўп учрайдиган, фақат йўловчилар ва юк ташиш билан боғлиқ миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланиш билан, айниқса қиймат параметрлари бўйича баҳолаш билан чекланиб қолмаслик лозим.

Масалан, шаҳар аҳолисини йўловчи транспорти билан таъминлаш бўйича масъул ижро этиш тузилмаларининг самарадорлигини, дастлаб, йўловчи транспортидан фойдаланиш учун вақт йўқотишлари, фойдаланиш хавфсизлик кўрсаткичлари, харажатларнинг ижобий ёки салбий динамикаси, ҳар томонлама қулийлик ва хизмат кўрсатиш сифати даражаси билан бир вақтда асосий транспорт (маҳаллий) қисми зарар кўриб ишлаётган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Айнан шу сабабли мазкур соҳада олинган фойда ёки ялпи ташувлар ҳажмига (уларга, масалан, узун транспорт йўналишларини қисқартириш ва йўловчи ташиш сифатини ёмонлаштирувчи бошқа чоралар ҳисобига етарлича осон равиша эришиш мумкин бўлган кўрсаткичлар) эмас, балки юқорида айтиб ўтилган мезонларга таяниш лозим бўлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Транспорт инфратузилмаси самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган бўлиб, у фуқаролик жамиятининг транспорт инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантириш жараёнида иштирок этувчи инновацион лойиҳалари ва институтларини амалга оширишни рағбатлантирувчи институтларнинг мувозанатига эришишга имкон беради.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштиришнинг замонавий концепцияси асосида транспорт инфратузилмаси самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ҳамда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича асосий вазифалар кўрсатиб берилди, мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мамлакат транспорт комплекси рейтингини ривожланиш индекслари бўйича халқаро миқёсида юқори даражага юксалтиришга хизмат қиласди.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштирилган бўлиб, у транспорт инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантириш жараёнида иштирок этувчи инновацион лойиҳалари ва институтларини амалга оширишни рағбатлантирувчи институтларнинг мувозанатига эришишга имкон беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўллар тўғрисида”ги қонуни, ЎРҚ-766-І сон, 15.04.1999 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги қонуни, ЎРҚ-674-І сон, 29.08.1998 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

4. Максимов, А. Б. Транспортная инфраструктура регионов. / А. Б. Максимов // Известия ИГЭА. - 2007. - №1. - С. 30-33.

5. Семина, И.А., Кустов, М.В. Транспорт в территориальной социально-экологической системе. / И.А. Семина, М.В. Кустов // Актуальные проблемы географии и геоэкологии. - 2009. - № 2. - С. 13-20

6. Тумхаджиев, А. Б. Формирование и развитие региональной транспортной инфраструктуры (на материалах Чеченской Республики) // автореф... канд. экон. наук: 08.00.05 / А. Б. Тумхаджиев - Грозный – 2012

7. Тумхаджиев, А.Б. Проблемы функционирования региональной транспортной инфраструктуры в современных условиях. / А.Б. Тумхаджиев // Terraekonomicus. - Том 10 № 1 Часть 2. - 2012.

8. Рахимов Х.Ш. Темир йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш. // Иқтисодиёт ва таълим. - Тошкент, 2020. – №1, 6.203-209. (08.00.00; №11).

9. Рахимов Х.Ш. Транспорт инфратузилмасини иқтисодий самарадорлигининг назарий асослари. // Бизнес-Эксперт. - Тошкент, 2020. – №3, 6.90-94.

10. Рахимов Х.Ш. Темир йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда кластер моделини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги. // Илм-фан ва инновацион ривожланиш. - Тошкент, 2020. – №3, 6.31-38.